

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Пўлатов Шохрухмирзо Фахридинович

**Ўзбекистонда ўстириладиган пушти эхинасcea ўсимлигини ер устки қисмини фармакогностик
ўрганиш**

5A510501 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ
АННОТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:
доц. Муллажонова М.Т.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Факультет - Фармация
Кафедра - Фармакогнозия
Ўқув йили - 2013-2014 й.

Магистратура талабаси – Пўлатов.Ш.Ф.
Илмий раҳбар - фарм.ф.н., доц.Муллажонова М.Т.
Мутахассислиги - 5А510501-фармацевтик кимё ва
фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ

Ишнинг долзарблиги. Аҳолига дори-дармон билан ёрдам бериш борасидаги дастурий хужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда Республика соғлиқни сақлаш тармоқларини доривор ўсимликлар хом ашёси ва ўсимликларга мансуб дори-дармонлар билан таъминлаш, шунингдек, тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар арсеналини кенгайтириш катта аҳамиятга эга. Фармакологик фаол бирикмаларга эга бўлган доривор ўсимлик хом-ашёларини текшириш, ҳар томонлама синаш ва янги дори воситаларини ишлаб чиқиш, тиббиёт амалиётини дори воситалари билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон флораси астрадошлар - Asteraceae оиласига мансуб таркибида турли биологик фаол моддалар сақловчи доривор ўсимликларга жуда кўп. Ана шундай ўсимликлардан бири пушти эхинасcea ўсимлигидир. Ўзбекистонда ўстириладиган пушти эхинасcea ўсимлигини фармакологик хоссаларини ўрганиш ва унинг барча қисимларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ишнинг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашё асосида субстанция ҳамда тайёр дори шаклларини тайёрлаш технологияси ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш» йўналиши бўйича бажарилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация пушти эхинасcea ер устки қисмини фармакогностик ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишидир.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий доривор ўсимлик пушти эхинасcea ер устки қисмини тиббиёт амалиётига тавсия этиш учун фармакогностик ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тошкент, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида ўстириладиган пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисми тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Ўсимлик ер устки қисмини биологик фаол моддалар мажмуасини ўрганиш, ўзига хос биологик фаоллигини аниқлаш, стандартлаш тизимини яратиш ва тиббиёт амалиётини қўллаш учун тавсия бериш тадқиқот предмети бўлади.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади:

- пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисмини тайёрлаш;
- пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисмини кимёвий таркибини ўрганиш;
- пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисмини таркибидаги асосий таъсир қилувчи моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниқлашнинг сезгир усулларини тавсия этиш;
- пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисмини чинлик тавсифлари ва сифатини белгиловчи сон кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- пушти эхинасcea ўсимлигининг ер устки қисмини специфик фармакологик фаоллигини аниқлаш;
- олинган натижаларни умумлаштириш ва улар асосида тегишли меъёрий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот усуллари. Ишни бажариш жараёнида замонавий физик – кимёвий таҳлил усуллари (қоғоз ва юпка қаватли хроматография, ЮССХ, ГХ/МС, эмиссион, атом - абсорбсион, УБ - спектроскопия), фармакогностик таҳлил усуллари, фармакологик таҳлил усуллари ва клиникагача бўлган изланишлар қўлланилиши режалаштирилган.

Қутилаётган натижалар. Изланишлар натижасида янги маҳаллий доривор ўсимликни тиббиёт амалиётига тавсия этиш ва унинг хом ашёси учун ВФМ лойиҳасини яратиш.

**Илмий раҳбар,
доцент**

Муллажонова М.Т.

Магистратура талабаси

Пўлатов Ш.Ф.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Тоштемирова Чарос Тоштемировна

**Ўзбекистонда ўстириладиган оддий райхон ўсимлигини ер устки қисмини
фармакогностик ўрганиш**

5A510501- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ
АННОТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:
доц. Пулатова Д.Қ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

5A510501- фармацевтик кимё ва
фармакогнозия
Кафедра - «Фармакогнозия»
Ўқув йили - 2014- 2015

Магистратура талабаси:
Тоштемирова Ч.Т.
Илмий раҳбар:
доц.Пулатова Д.Қ.

Магистрлик диссертацияси аннотацияси

Ишнинг долзарблиги. Ер юзидаги аҳоли кескин кўпайиб бориши, илм фанни ривожланиши, саноатнинг катта ютуқлари ва унинг ўсиб бориши аҳолини кўпроқ ўсимлик оламига ҳамда ундан олинадиган маҳсулотларга бўладиган эҳтиёжини ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доривор ўсимликларнинг турлари хилма - хилдир. Шунга қарамай уларнинг манбаалари чекланган. Шунини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон флорасининг янги истиқболли доривор ўсимликларини излаб топиш билан бир қаторда, азалдан илмий тиббиётда қўлланилаётгани маълум доривор ўсимликларни замонавий таҳлил усуллари ёрдамида ўрганиб, улар асосида янги маҳаллий самарали ва безарар дори воситаларини яратиш фармация фанининг долзарб муамоларидан биридир.

Маълумки, Ўзбекистон флораси турли биологик фаол моддалар, жумладан эфир мойи сақловчи доривор ўсимликларга жуда бой. Ана шундай ўсимликлардан бири ясноткадошлар – Lamiaceae оиласига мансуб оддий райхон ўсимлигидир. Оддий райхон ўсимлиги азалдан халқ табobatiда, шунингдек Ибн Сино томонидан кўз нурини равшанлаштириш, юрак қон-томир касалликларини даволашда, сийдик йўллари касаликларида пешоб хайдовчи, нафас олиши бузилганда, ҳамда ошқозон-ичак касалликларида овқат хазм қилишни яхшиловчи, метеоризмни даволашда дори сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу ўсимлик кам ўрганилганлиги туфайли ҳозирги кунгача тиббиётда ўз ўрнини топа олгани йўқ. Райхон ўсимлиги таркибида эфир мойи кўплигини инобатга олган ҳолда, мазкур ўсимликни фармакогностик ва фармакологик ўрганиш ва унинг асосида янги самарали дори воситаларини яратиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ишнинг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Магистрлик диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг илмий -тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий доривор ўсимлик хом ашё асосидаги субстанция олиш ва тайёр дори шакллари тайёрлаш технологияси ҳамда стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш» йўналиши бўйича бажарилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оддий райхон ўсимлиги профессор Пулатова Т.П. томонидан ўрганилган бўлиб қисман таркибидаги биологик фаол моддалар ўрганилган, мазкур диссертация ишида оддий райхон ўсимлигининг асосий таъсир этувчи моддаларини, эфир мойи, унинг таркибий қисмини ва унинг асосида янги самарали дори воситаларини яратишга қаратилган илмий тадқиқот ишидир.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда ўстириладиган оддий райхон ўсимлигини илмий тиббиётга жорий этиш мақсадида фармакогностик ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Оддий райхон ер устки қисмини ўрганиш тадқиқотнинг объекти ҳисобланиб, унинг таркибидаги биологик фаол моддалар мажмуасини ўрганиш, ўзига хос биологик фаоллигини аниқлаш, стандартлаш тизимини яратиш ва тиббиёт амалиётида қўллаш бўйича тавсия бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тадқиқот предмети.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни хал қилиш зарур бўлади:

- оддий райхон ўсимлигининг ер устки қисмини тайёрлаш;
- оддий райхон ўсимлигининг ер устки қисмини кимёвий таркибини ўрганиш;
- оддий райхон ўсимлигининг ер устки қисмини таркибидаги асосий таъсир қилувчи моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниқлашнинг сезгир усулларини тавсия этиш;
- оддий райхон ўсимлигининг ер устки қисмини чинлик тавсифлари ва сифатини белгиловчи сон кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- оддий райхон ўсимлигининг ер устки қисмини специфик фармакологик фаоллигини аниқлаш;
- олинган натижаларни умумлаштириш ва улар асосида тегишли меъёрий хужжат лойихасини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот усуллари. Ишни бажариш жараёнида замонавий физик – кимёвий таҳлил усуллари (қоғоз ва юпқа қаватли хроматография , ЮССХ, ГХ/МС , эмиссион , атом- абсорбсион, УВ- спектроскопия) , фармакогностик таҳлил усуллари , фармакологик таҳлил усуллари режалаштирилган.

Қутилаётган натижалар. Изланишлар натижасида доривор ўсимликни тиббиёт амалиётига тавсия этиш ва унинг хом ашёси учун ВФМ лойихасини яратиш.

**Илмий рахбар,
доцент**

Пулатова Д.Қ.

Магистратура талабаси

Тоштемирова Ч.Т.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан

Ташкентский фармацевтический институт

Самединов Рустем Селяметович

**ИССЛЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА СУММАРНОГО ПРЕПАРАТА, НА ОСНОВЕ
ЛИСТЬЕВ ПОДРОЖНИКА БОЛЬШОГО И ШЕЛКОВИЦЫ БЕЛОЙ.**

5A510501- фармацевтическая химия и фармакогнозия

Аннотация к магистерской диссертации

**Научный руководитель:
к.ф.н., доцент Н.Т.Фарманова**

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан
Ташкентский фармацевтический институт

Фармацевтический факультет

Кафедра фармакогнозии

2014-2016 учебный год

Студент магистратуры: Самединов Р.С.

Научный руководитель:

к.ф.н., доцент Н.Т. Фарманова

Специальность: 5А510501 –

фармацевтическая химия и фармакогнозия.

АННОТАЦИЯ К МАГИСТРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Актуальность темы. В настоящее время в мире насчитывается около 360 миллионов человек, страдающих сахарным диабетом, из них 90% составляют больные с инсулиннезависимой формой. Отмечено, что уровень заболеваемости сахарным диабетом всего населения Земли неуклонно растет с каждым годом.

По данным специалистов, в Узбекистане распространенность сахарного диабета составляет порядка 5%. Однако на диспансерном учете состоят менее половины из них или 127 тысяч 252 больных, из которых 1183 – дети и 533 – подростки. Остальная часть страдающих этим заболеванием остается невыявленной. В нашей стране медицинская помощь больным этим заболеванием в основном оказывается бесплатно. Поэтому актуальна проблема разработки новых высокоэффективных пероральных гипогликемических средств из местного природного сырья. На сегодняшний день в фитотерапии сахарного диабета используют более 150 видов лекарственных растений. Растения обогащают организм пациента щелочными валентностями, способствуют увеличению щелочного резерва, повышенной утилизации [глюкозы](#) тканями, тем самым, снижая уровень [гликемии](#). Растения богаты витаминами, в том числе [группы В](#), способствующими улучшению метаболических процессов. Некоторые растения замедляют процессы всасывания [углеводов](#) из просвета кишечника, оказывают влияние на [гликогенообразующую](#) функцию [печени](#). Растительные сахароснижающие средства нетоксичны, не оказывают побочных эффектов и, за редким исключением, не кумулируют. Их можно назначать пациентам любого возраста, независимо от степени тяжести болезни и выраженности ангионейропатий. В виде монотерапии на фоне [диеты](#) они применяются только при легкой форме [сахарного диабета 2-го типа](#). Всем остальным их рекомендуют в качестве дополнительного средства на фоне [инсулинотерапии](#), или приёма таблетированных сульфаниламидных препаратов. Уменьшать дозу химических сахароснижающих средств на фоне приёма растительных можно только под контролем уровня [гликемии](#), [глюкозурии](#) (в случае их нормализации) и отсутствия [ацетонурии](#). Учитывая вышеизложенные обстоятельства, разработка, стандартизация и внедрение в медицинскую практику новых препаратов растительного происхождения является актуальной задачей современной фармации.

Связь работы с государственными программами или тематическими планами научно-исследовательских работ. Работа выполняется в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института. Соответствие темы приоритетным направлениям научных исследований, проводимых в республике. Диссертационная работа направлена на решение задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-416 «О мерах медицинского назначения» от 14 июля 2006г., Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №49 «О наполнении внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами в целях дальнейшего развития фармацевтической промышленности республики» от 25 февраля 2011 года и соответствует приоритетному направлению проводимых в республике научных исследований «Разработка высокоэффективных технологий производства новых лекарственных средств на основе местного природного и синтетического сырья».

Изученность темы: Учеными Ташкентского фармацевтического института изучены фармакологическая активность, химический состав гипогликемического сбора, а также предложены методики идентификации и количественного определения основных действующих веществ, разработаны характеристики подлинности и доброкачественности сбора.

Цель исследования. Исследование и стандартизация суммарного препарата, на основе листьев подорожника большого и шелковицы белой.

Объект и предмет исследования. Объектом исследования служил сухой экстракт сбора, приготовленного из местных видов официального лекарственного растительного сырья, отвечающего требованиям соответствующих нормативных документов. Предметом исследования является разработка и стандартизация суммарного препарата, содержащего комплекс полисахаридов, из листьев подорожника большого и шелковицы белой.

Задачи исследования. Для достижения поставленной цели необходимо было решить следующие задачи:

- получить сухой экстракт, содержащий комплекс полисахаридов, из листьев подорожника большого и шелковицы белой;
- определить специфическую фармакологическую активность предлагаемого сухого экстракта;
- изучить химический состав сухого экстракта, с целью выявления основных групп биологически активных веществ;
- предложить методики идентификации и количественного определения основных действующих веществ;
- разработать характеристики подлинности и числовые показатели, характеризующие качество сухого экстракта;
- обобщить полученные данные и на их основе разработать нормативную документацию для представления в Главное управление по контролю качества лекарственных средств и медицинской техники МЗ РУз с целью получения разрешения на клинические испытания и медицинское применение препарата.

Методы исследований. При выполнении работы будут использованы современные физико-химические методы анализа (бумажная и тонкослойная хроматография, ВЭЖХ, ГХ/МС, УФ - спектроскопия), доклинические фармакологические исследования.

Ожидаемые результаты: В результате проведенных исследований, будет получен суммарный препарат, на основе листьев подорожника большого и шелковицы белой, обладающий гипогликемическим действием.

Научный руководитель: _____ **Н.Т.Фарманова**
к.ф.н., доцент

Магистр _____ **Самединов Р.С.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Фармация
Кафедра - Фармацевтик кимё
Ўқув йили - 2014-2016 й.й.

Магистратура талабаси: Азизов Ш.И.
Илмий раҳбар: к.ф.н., доц. Убайдуллаев Қ.А.
Мутахассислиги: 5А510501 – фармацевтик кимё
ва фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ
(“Оддий олаўт (*Silybum marianum* L.) мойини ва унинг препаратини стандартлаш”)

Мавзунинг долзарблиги. Оддий олаўт (Оқ каррак) *Silybum marianum* L. Расторопша обыкновенная – бир йиллик, ёвойи ҳолда ўсадиган *Asteraceae* оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, Россияда, МДХ давлатларида, шу жумладан Ўрта Осиё худудидида ҳам кенг тарқалган шунингдек, уни осон маданийлаштириш ҳам мумкин.

Расторопша уруғида 30% гача ўсимлик мойи сақланиб, унинг таркиби ўзига ҳослиги билан бошқа ўсимлик мойларидан ажралиб туради. Ўсимлик мойида силибин, силихристин, силидианин каби кучли антиоксидант таъсирга эга бўлган флаваноидлар бўлиб, улар гепатопротектор таъсирга эга. Шунингдек Е, Д ва К витаминлари, каротиноидлар, тўйинмаган ёғ кислоталари ва турли макро ва микро элементлар сақлайди.

Ҳозирги вақтда оддий олаўт мойи Россияда ва бошқа давлатларда расмий тиббиётда қўлланиляпти. Унинг иммуностимулловчи, бактериоцид ялиғланишга қарши, оғриқсизлантирувчи, спазмолитик, ўт ҳайдовчи, яра-чақаларни тез битирувчи, аллергияга қарши, радиопротектор таъсирлари ҳақида адабий манбаларда келтирилган. Шулардан келиб чиқиб биз магистрлик диссертациясини мавзуси сифатида оддий олаўт мойини ва унинг препаратини (капсула) стандартлашни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқот объекти ва предмети. Республика худудидида етиштирилган оддий олаўт уруғининг мойи фитокимёвий жиҳатдан ўрганилмаган унинг таркибидаги биологик фаол бирикмаларни фитокимёвий ўрганиш, ўсимлик мойини, дори препаратини олишнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Маҳаллий хом ашё – оддий олаўт уруғи асосида ўсимлик мойи ва дори препарати (капсула) олиш, уларни стандартлаш.

Тадқиқот вазифалари. Ишни бажариш давомида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- оддий олаўт мойини олишнинг оптимал (қулай) технологиясини ишлаб чиқиш;
- мойнинг сон кўрсаткичларини аниқлаш;
- мой таркибидаги ёғ кислоталарини, аминокислоталар таркибини ва миқдорини ЮССХ усули ёрдамида ўрганиш;
- флаваноидлар сифати ва миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;
- мой таркибидаги Е, К, А витаминлари таҳлил усуллари ишлаб чиқиш;
- микроэлемент таркибини ўрганиш;
- оддий олаўт мойи асосида дори препаратини олиш - капсула ҳолида;
- оддий олаўт мойи ва дори препаратнинг биологик фаоллигини ўрганиш – гепатопротекторлигини;
- оддий олаўт мойи ва дори препарати учун меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини тузиш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишларини бажаришда юпка қатламли хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси, хромато – масс спектрофотометрик, ИҚ –спектрометрик, шунингдек, фармакологик ва технологик тадқиқот усулларидан фойдаланилади.

Амалий қисм. Оддий олаўт мойи асосида олинган дори препаратини гепатопротектор таъсир этувчи восита сифатида тиббиёт амалиётига татбиқ этишнинг дастлабки босқичларини ҳал этиш (мойни олиш технологияси, фитокимёвий таркиби, сон кўрсаткичлари, сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва меъёрий ҳужжат лойиҳасини тузиш). Бажарилган илмий тадқиқот ишлари юзасидан илмий мақолалар ва анжуманлар тезислари тайёрлаб нашр этиш ҳам кўзда тутилган.

Илмий раҳбар, доцент
Магистратура талабаси

Қ.А. Убайдуллаев
Ш.И. Азизов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Фармация
Кафедра - Фармацевтик кимё
Ўқув йили - 2014-2016 й.й.

Магистратура талабаси: Тошев Ғ.Қ.
Илмий раҳбар: катта ўқит. Юнусхўжаева Н.А.
Мутахассислиги: 5А510501 – фармацевтик кимё
ва фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ
("Scutellaria Iscanderi ўсимлиги ва унинг асосида олинган фитопрепаратни сифатини баҳолаш")

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони тобора ортиб бормоқда, уларда ишлаб чиқарилаётган препаратларга талаб ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида янги самарадор, беэён дори воситасини олиш ва стандартлаш муҳим вазифалардан биридир.

Фармацевтик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари авваламбор инсон саломатлиги билан боғлиқ эканлиги уларга қўйилган талабни янада ошишига замин бўлади.

Ўсимлик хом ашёси асосида арзон, хориждан келтирилган дори-дармонларни ўрнини боса оладиган ва биосамарадорлиги юқори бўлган препаратларни ишлаб чиқаришда асосий масалалардан бири илмий асосланган сифат - назорат таҳлил услубларини ишлаб чиқиш ва стандартлашдан иборат. Фитопрепаратлар таркибида хилма-хил биофаол моддаларни кўп миқдорда сақлаганлиги сабабли, бундай дори воситаларини стандартлаш маълум қийинчиликларга олиб келади. Ўсимликларнинг бой кимёвий таркиби бутун организмга умумлашган ҳолда таъсир қилиб, унинг компонентлари метаболик жараёнларини эгаллаб ёки тўлдирибгина қолмай, физиологик оқим тезлигини ўзгартирмайди, балки нозик патологик ўзгаришларни бошқаради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистонда ўсувчи Қўкамарон Искандария асосида янги гипотензив ва седатив таъсирли фитопрепаратни олиш ва сифатини баҳолаш.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Бу масалани ечиш учун, мураккаб таркибли ўсимлик препаратлари таркибидаги асосий терапевтик фаолликни белгилаб берувчи моддасини аниқлаш бўйича фитокимёвий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот вазифалари: қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- доривор ўсимлик хом ашёсини биофаол моддаларини аниқлаш;
- доривор маҳсулот асосида дори турларини олиш;
- дори турлари таркибидаги биофаол моддаларни сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;
- яратилган дори турларини тиббиёт амалиётга татбиқ этиш (ВФМ ишлаб чиқиш).

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқот ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (ЮҚХ, ЮССХ, УБ-спектрофотометрия) фойдаланилади.

Илмий раҳбар

Юнусхўжаева Н.А.

Магистратура талабаси

Тошев Ғ.Қ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Фармация
Кафедра - Фармацевтик кимё
Ўқув йили - 2014-2016 й.й.

Магистратура талабаси: Икрамов Б.Б.
Илмий раҳбар: проф. Азизов И.К.
Мутахассислиги: 5А510501 – фармацевтик кимё
ва фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ ("Узум (*Vitis L.*) мойини ва унинг препаратини стандартлаш")

Мавзунинг долзарблиги. Узум *Vitis L.* – кўп йиллик, ёвойи ҳамда маданий ҳолда ўсадиган *Vitaceae* оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, Россияда, МДХ давлатларида, шу жумладан Ўрта Осиё худудида ҳам кенг тарқалган шунингдек, уни осон маъданийлаштириш ҳам мумкин.

Узум уруғида 30% гача ўсимлик мойи сақланиб, унинг таркиби ўзига ҳослиги билан бошқа ўсимлик мойларидан ажралиб туради. Ўсимлик мойида антиоксидант таъсирга эга бўлган флаваноидлар мавжуд. Шунингдек, Е, Д, А, В₁, В₂, В₃, В₆, В₉, В₁₂, С витаминлари, каротиноидлар, тўйинмаган ёғ кислоталари ва турли макро- ва микро-элементлар сақлайди.

Ҳозирги вақтда узум мойи Россияда ва бошқа давлатларда расмий тиббиётда қўлланилмайпти. Унинг иммуностимулловчи, бактерицид, ялиғланишга қарши, оғриксизлантирувчи, яраларни тез битирувчи, аллергияга қарши, радиопротектор таъсирлари ҳақида адабий манбаларда келтирилган. Шулардан келиб чиқиб биз магистрлик диссертациясини мавзуси сифатида узум мойини ва унинг препаратини стандартлашни мақсад қилиб олдик.

Тадқиқот объекти ва предмети. Республика худудида етиштирилган узум уруғининг мойи фитокимёвий жиҳатдан ўрганилмаган унинг таркибидаги биологик фаол бирикмаларни фитокимёвий ўрганиш, ўсимлик мойини, дори препаратини олишнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Маҳаллий хом ашё – узум уруғи асосида ўсимлик мойи ва дори препарати (капсула) олиш, уларни стандартлаш.

Тадқиқот вазифалари. Ишни бажариш давомида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- узум мойини олишнинг оптимал (қулай) технологиясини ишлаб чиқиш;
- мойнинг сон кўрсаткичларини аниқлаш;
- мой таркибидаги ёғ кислоталарини, аминокислоталар таркибини ва миқдорини ЮССХ усули ёрдамида ўрганиш;
- флаваноидлар сифати ва миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;
- мой таркибидаги Е, К, А, В₁, В₂, В₃, В₆, В₉, В₁₂, С витаминлари таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;
- микроэлемент таркибини ўрганиш;
- узум мойи асосида дори препаратини олиш - капсула ҳолида;
- узум мойи ва дори препаратнинг биологик фаоллигини ўрганиш – гепатопротекторлигини;
- узум мойи ва дори препарати учун меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини тузиш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишларини бажаришда юпқа қатламли хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси, хромато-масс спектрофотометрик, ИҚ-спектрометрик, шунингдек, фармакологик ва технологик тадқиқот усулларида фойдаланилади.

Амалий қисм. Узум мойи асосида олинган дори препаратини антиоксидант таъсир этувчи восита сифатида тиббиёт амалиётига татбиқ этишнинг дастлабки босқичларини ҳал этиш (мойни олиш технологияси, фитокимёвий таркиби, сон кўрсаткичлари, сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва меъёрий ҳужжат лойиҳасини тузиш). Бажарилган илмий тадқиқот ишлари юзасидан илмий мақолалар ва анжуманлар тезислари тайёрлаб нашр этиш ҳам кўзда тутилган.

Илмий раҳбар, профессор

И.К. Азизов

Магистратура талабаси

Б.Б. Икрамов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Фармация
Кафедра - Фармацевтик кимё
Ўқув йили - 2014-2016 й.й.

Магистратура талабаси: Бобокамбарова Н.А.
Илмий раҳбар: проф. Абдуллабекова В.Н.
Мутахассислиги: 5А510501 – фармацевтик кимё
ва фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Ишнинг долзарблиги: Ҳозирда Республикамизда фармацевтик корхоналар сони кундан кун ортиб бормоқда. Шу билан бирга улардаги ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатига қўйиладиган талаб ҳам ортмоқда. Фармацевтик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари авваламбор инсон саломатлиги билан боғлиқ эканлиги уларга қўйилган талабни янада ошишига замин бўлади.

Шунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига шундай талаб қўйиладигани, унда яратилган сифат тизими ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тўлақонли равишда таъминлаб бера олсин ҳамда мутлоқ ҳолда дори воситасининг сифатига ишонч ҳосил қилишга имкон ярата олсин. Ҳозирги кунда фарматсевтик корхоналарда GMP халқаро стандарти бу сифат тизимини яратишда ва йўлга қўйишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро стандартга асосан корхонада ишлаётган ҳар бир ускунанинг айниқса бевосита дори воситасини ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган ускуналарнинг тозалигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Буларга мисол қилиб эритма тайёрлаш қозонларини, эритмани қуйиш учун мўлжалланган системаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, бевосита эритмалар тайёрланадиган хоналарнинг тозалиги ҳам муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган объектларнинг тозалигига ташқи томондан таъсир қилувчи таъсирлардан ташқари ички таъсирлар ҳам мавжуддир. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

-ускуналарнинг етарли даражада ювилмаганлиги;

-қийин эрувчи моддаларнинг тозалаш жараёнларида яхши ювилмаслиги натижасида маълум бир миқдорда қолиб кетиши;

-ускуналарнинг қийин ювилувчи қисмларнинг мавжудлиги.

Бу каби бир нечта омиллар ишлаб чиқарувчи олдида ишлаб чиқарилаётган дори воситаси таркибида олдинги маҳсулотнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги саволни қўяди. Бу масалани ҳал этиш учун эса GMP халқаро стандарти қуйидагича ёндашади: стандарт талабига кўра ҳар бир дори маҳсулотидан янги дори воситасини ишлаб чиқаришга ўтилганда тозалаш жараёни валидациясини ўтказиш. Бизга маълумки, валидация айнан бирор бир бажарилаётган жараённинг кутилаётган натижага олиб боришини исботловчи жараёндир. Ўз-ўзидан маълумки юқоридаги ҳолатда ҳам валидация ўтказиш орқали биз стандарт талаб қилаётган сифат талабига жавоб беришимиз мумкин бўлади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, объектлар тозалигини текшириш учун бизга дори моддаларининг жуда кичик концентратсияларини бирор-бир физик-кимёвий усулда аниқлашимиз лозим. Биз ўз мавзуимизга новокаин инъекцион эритмаси учун айнан шундай юқори аниқликка эга бўлган физик кимёвий усулларни ишлаб чиқишни ва уни валидациялашни асос қилиб олдик. Бунга сабаб шундан иборатки, замонавий физик-кимёвий усулларда бир вақтнинг ўзида бир нечта кўрсаткичларни аниқлаш мумкин. Уларни қуйида санаб ўтамиз:

-булар дори моддасининг чинлиги, миқдорий таҳлили, тозалиги кабилардир;

-усулнинг яна бир ютуқларидан бири бу унинг жуда кичик концентрацияларни ҳам оча олишидир;

-бир вақтнинг ўзида бир нечта моддаларни оча олиш.

Кўриниб турибдики, замонавий физик-кимёвий усуллар бошқа усулларга қараганда кўплаб афзалликларга эга. Демак, юқорида санаб ўтилганлардан бемалол айтишимиз мумкинки, фармацевтик корхоналарда ускуналар тозалигини баҳолашда биз танлаган усул аҳамиятли бўлиб қолади.

Тадқиқот объекти ва предмети: Новокаин инъекцион эритмаси ва уни аниқлашнинг биз тадқиқ этадиган замонавий физик-кимёвий усули тадқиқот объектларидир. Ўрганилаётган дори моддаси учун замонавий физик-кимёвий усулини ишлаб чиқиш, уни валидациялаш ҳамда уни корхоналар амалиётига таадбик этиш тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот вазилари: Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

-новокаин дори моддасининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

-дори моддасининг аниқланиши мумкин бўлган энг кичик миқдорларини топиш;

-ишлаб чиқилган таҳлил усулини валидациялаш;

-яратилган методикаларни ишлаб чиқариш амалиётига тадбик этиш.

Тадқиқот усуллари: Ишни бажариш жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Илмий раҳбар, проф.
Магистратура талабаси

Абдуллабекова В.Н.
Бобокамбарова Н.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Саноат фармацияси

Кафедра - Дори воситаларининг саноат технологияси

Ўқув йили 2014-2016 йй.

Магистратура талабаси:

Холмурзаева С.Ғ.

Илмий раҳбар:

ф.ф.н. доц.в.б., Жалилов Ф.С.

Мутахассислиги:

5A510603 - Дориларнинг саноат

технологияси

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

(“Маҳаллий эфир мойи сақловчи ўсимликлар асосида яллиғланишга қарши гранулалар технологиясини ишлаш”)

Мавзунинг долзарблиги. Республика раҳбарияти ва ҳукумати томонидан аҳолини тайёр дори воситалари билан таъминлаш сифатини ошириш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Булар – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган 1996 йил 29-августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, 1997 йил 25-апрелдаги “Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида”ги каби бир қатор қонунлар ва бу қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган қонуности ҳужжатларини амалиётга жорий этилишида ўз аксини топган. Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган шунингдек, чет эл замонавий технологиялари асосида олинадиган дори турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни мамлакатимизнинг ички ва ташқи фармацевтика бозорига чиқарилишини таъминлаш билан давлат салоҳиятини кўтаришга хисса қўшиш муҳим вазифалардан биридир.

Синтетик препаратларни яратиш борасидаги ютуқларга қарамай, тиббиёт амалиётида тиббий хом ашёлар асосида олинган дори шакллариининг қўлланилиши ортиб бормоқда. Аҳолини маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, кам захарли, аллергия чақирмайдиган, турғун, юқори биосамарадор, арзон дори воситалари билан таъминлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Бу муаммони хал қилиш йўллариининг бири ўзимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланишдир. Дори воситаларининг замонавий рўйхатида доривор ўсимликлардан олинган препаратлар қарийб 40 фоизни ташкил қилади. Айрим касалликларда қўлланиладиган дори воситаларининг 80 фоизга яқини ўсимлик хом ашёларидан олинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, яқин йилларда уларнинг улуши янада ортиши кутилмоқда. Бунинг сабаблари уларнинг нисбатан кам захарлилиги, юмшоқ таъсир кўрсатиши, организм томонидан яхши ўзлаштирилиши, узоқ муддат истеъмол қилиш мумкинлиги ҳамда ножўя таъсирининг синтетик дори воситаларига нисбатан сезирарли даражада камлиги ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, барча соҳалар каби тайёр дори воситаларини ишлаб чиқаришда ҳам бир затор иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, ички имкониятларимиздан тўғри фойдаланилган ҳолда, мамлакатимиз аҳолисини сифатли дори дармонлар билан таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Бутун дунёдаги каби Республикамызда ҳам доривор ўсимликларни ўрганиш, улардаги биофаол моддаларни ажратиш, уларнинг фармакологик таъсирини аниқлаш ва ушбу биологик фаол моддалар асосида уларнинг дори шакллариини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда биз чет элдан валюта ҳисобига кириб келаётган қимматбаҳо дори воситаларининг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган, антибактериал ва яллиғланишга қарши таъсир этувчи ва яна бир қанча юқори терапевтик самарадорликка эга бўлган доривор модда – эфир мойларини ажратиб олиш, уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва олинган эфир мойлари асосида яллиғланишга қарши гранула грунула дори шаклиининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишни лозим деб топдик.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Маҳаллий эфир мойи сақловчи ўсимликлар асосида яллиғланишга қарши гранулалар таркиби, технологияси ва сифат назоратини усуллариини ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- яллиғланишга қарши ишлатиладиган ишлатиладиган таркибида эфир мойи сақловчи доривор ўсимлилар билан танишиш;
- маҳаллий доривор ўсимликларнинг ҳар бирининг хусусиятларига кўра алоҳида ёндошиб, эфир мойи олишнинг турли усуллариини ўрганиш.
- тадқиқотлар учун олинган ингредиентлар ва уларнинг аралашмалариини физик-кимёвий ва технологик хоссалариини ўрганиш;
- грануланнинг таркиби учун ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини танлаш;

- физик-кимёвий, технологик ва биофармацевтик изланишлар натижасида яллиғланишга қарши гранула дори шаклининг мўътадил таркиби ва технологиясини таклиф қилиш;
- яллиғланишга қарши грануланнинг сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;
- таклиф этилаётган гранула дори шаклининг биофармацевтик хоссаларини ўрганиш;
- яллиғланишга қарши грануланнинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш;
- таклиф этилаётган гранула дори шакли учун меъёрий ҳужжатлар тўпламини тузиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Объект – яллиғланишга қарши ишлатиладиган эфир мойи сақловчи маҳаллий доривор ўсимликлар, тадқиқотнинг предмети эса грануланнинг таркибига кирган ингредиентлар ва уларнинг аралашмаси, эфир мойлари, гранулалар ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Доривор ўсимликлардан эфир мойларини сув буғи билан, спирт билан ҳайдаш ва бошқ усулларда олинади. Шунингдек ингредиентлар, уларнинг аралашмасининг технологик хоссалари, шунингдек грануланнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда физик, физик-кимёвий ва технологик методлар қўлланилади. Ҳусусан микроскопик тадқиқотлар, кристаллографик ишларни амалга ошириш имкониятини берувчи биологик ва электрон микроскоплар ёрдамида бажарилади. Куқунсимон препаратларнинг технологик хоссаларини ўрганишда ВП-12 А, 545 АК-3 асбоблари ва ХІ ДФ да келтирилган бошқа методлар, шунингдек, гранула ва бошқа Халқаро эътироф этилган фармакопеларда тавсия этилган методлар қўлланилади. Гранула таркибидаги таъсир этувчи ва бошқа моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниқлаш учун СФ, хроматографик каби усуллардан ва тегишли асбоблардан фойдаланилади. In vitro шароитларида амалга оширилган биофармацевтик тадқиқотлар қатор фармакопеларга киритилган “айланувчи кажава” усулида амалга оширилади

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Атрофлича амалга оширилган физик-кимёвий, технологик ва биофармацевтик тадқиқотлар натижасида эфир мойи сақловчи маҳаллий доривор ўсимликлардан эфир мойларини ажратиб олиш усуллари ўрганилади. Биринчи марта маҳаллий доривор ўсимликлардан ажратиб олинган эфир мойлари асосида яллиғланишга қарши грануланнинг илмий жиҳатдан асосланган мўътадил таркиби ва технологияси, шунингдек Халқаро стандартлар талаблари даражасидаги сифат назорати усуллари таклиф қилинади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Табиий маҳаллий хом ашёлардан ажратиб олинган эфир мойлари асосида грануланнинг мўътадил таркиби ва технологияси ишлаб чиқилади. Таклиф этиладиган гранула дори шакли маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация иши кириш қисмидан, адабиётлар шарҳи ва тадқиқот натижаларидан иборат бўлиб, ҳар бир боб хулосалар билан, диссертация иши эса умумий хулосалари билан якунланади. Шунингдек фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати ва амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамиятини кўрсатувчи иловалардан иборат бўлади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Илмий изланишларда маҳаллий эфир мойи доривор ўсимликлардан эфир мойи ажратиб олиниб, яллиғланишга қарши гранула дори шакли илмий асосланган таркиб ва технологияси ишлаб чиқилади ва уни стандартлаш усули таклиф этилади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Олинган натижалар асосида мақола ва меъёрий техник ҳужжат тузилади. Натижада маҳаллий бозордаги ҳориждан келтирилатган юқори нафас йўллари яллиғланиши ишлатиладиган пастилка дори турининг улуши уларни маҳаллий ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳисобига тўлдирилади.

Магистратура талабаси

Илмий раҳбар фарм.ф.н., доц. в.б.

Холмурзаева С.Ғ.

Жалилов Ф.С.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Саноат фармацияси
Кафедра – Дори воситаларининг
саноат технологияси
Ўқув йили 2014-2016 йй.

Магистратура талабаси: Ёдгорова Ф.
Илмий раҳбар: ф.ф.н. Рахимова О.Р.
Мутахассислиги: 5А 510603
Дориларнинг саноат технологияси

“Гемостатик таъсирга эга бўлган инебрин капсуласининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги магистрлик диссертациясининг аннотацияси

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлида ўзимизнинг маҳаллий хом ашёлардан юқори биосамарадор, турғун ва мақсадга мувофиқ дори турларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш фармацевтик технологияни долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Республикамызда ўсадиган ва халқ табобатида ишлатиладиган доривор ўсимликларни кўпчилиги буюк бобоколониимиз Абу Али ибн Сино асарларида баён этилган ва халқ табобатида кенг кўламда ишлатилиб келинмоқда. Ўсимлик хом ашёсидан олинган препаратлар одам организмига юмшоқ, ҳар томонлама таъсир кўрсатиш билан бир вақтда, организмга салбий таъсир кўрсатмайди ва аллергия реакциялар чақирмайди. Шуларни инобатга олиб, Республикамызда ўсадиган доривор ўсимликлардан қон оқишини тўхтатувчи препаратларни яратиш лозим деб топилди. Чунки хирургия ва акушерлик амалиётида ташқи ва ички қон оқишини тўхтатиш долзарб вазифалардан бири бўлиб, Республикамызда самарадор қон тўхтатувчи дори воситалари етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайди. Бу соҳада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг табиий бирикмалар кимёси лабораториясида олинган гангитувчи бозулбанг (*Lagochilus inebrians* Vge.) гули ва баргининг қуруқ экстракти - инебрин диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академик О.С.Содиқов номидаги биорганик кимё институти ва Тошкент фармацевтика институти қошидаги Марказий илмий текшириш лабораторияларида олиб борилган дастлабки фармакологик тадқиқотлар инебриннинг самарадор қон тўхтатиш хоссаси борлигини кўрсатди. Адабиётлар таҳлили асосида маълум бўлдики, ушбу қуруқ экстракт ва унинг дори препаратлари асосида бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, унинг бир қанча дори шакллари тақлиф этилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан таблетка дори шакли барча лаборатория ва клиник синовлардан муваффақиятли ўтиб, ВФМ тасдиқланган (ВФС 42 Уз-2536-2014).

Ҳозирда капсула дунё миқёсида кенг ривожланаётган ва истиқболли дори шакли бўлиб, Республикамызда ҳам бунга эътибор кучаймоқда. Айниқса қуруқ экстрактлар гигроскопик бўлиб, ҳаводаги намликни ўзига тортиб, сақлаш давомида бир қанча ўзгаришларга учраши мумкин. Капсула эса дори моддасини нафақат намлик, қуёш нури ва бошқа ташқи муҳит таъсирларидан ҳимоя қилади, шунингдек эстетик жиҳатдан чиройли, қабул қилиш осон ва барча технологик жараёнлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Буларни инобатга олиб, инебриндан ичиш учун мўлжалланган капсула дори турини яратиш лозим деб топилди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади инебрин капсуласининг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- касалликлар ва уларнинг кечиши тўғрисида умумий тушунчаларга эга бўлиш;
- қон тўхтатишда ишлатиладиган синтетик ва доривор ўсимликлар билан танишиш;
- капсула дори шакллари, турлари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;
- маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг имкониятларини ўрганиш;
- қон тўхтатишда ишлатиладиган доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилаётган капсула дори турларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- қон тўхтатишда ишлатиладиган маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги таркиб ва технология асосида капсула дори турини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш;
- тақлиф қилинган дори турининг фармакологик таъсирини ўрганиш;
- тақлиф қилинган дори турининг турғунлиги ва сақланиш муддатларини белгилаш;
- тақлиф қилинган дори турини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаб уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар амалиётига тадбиқ қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Объект – қон тўхтатиш хусусиятига эга бўлган гангитувчи бозулбанг гули ва баргидан олинган қуруқ экстракт – инебрин, предмети – капсула.

Тадқиқот услубияти ва усуллари. Ишни бажаришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, кимёвий, технологик ва биофармацевтик усуллар, фармакологик скрининг, клиникагача бўлган изланишлар қўлланилиши режалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Илк бор “Инебрин” субстанцияси асосида касула дори тури яратилади ва сифати баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Қон тўтатиш хоссасига эга бўлган маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида инебрин капсуласини Республикамиз фармацевтик корхоналарида ишлаб чиқариш мумкин. Чунки бу ўсимлик культивация қилинган бўлиб, Навоий вилоятида 10 га ер участкасида гангитувчи бозулбангни ўстириш ишлари олиб борилмоқда.

Иш тузилиши ва таркиби. Кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот давомида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган усуллар тавсифи боби ҳамда олиб борилган изланишлар, уларнинг натижалари, хулосаларидан иборат. Шунингдек, умумий хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. “Инебрин” субстанцияси ва капсула массасининг физик-кимёвий ва технологик кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилади. Капсуланинг сифат кўрсаткичлари эса тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида текширилади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Олинган натижалар асосида инебрин капсуласини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар амалиётига татбиқ қилиш.

Илмий раҳбар ф.ф.н.

Рахимова О.Р.

Магистратура талабаси

Ёдгорова Ф.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Саноат фармацияси

Кафедра - Дори воситаларининг саноат технологияси

Ўқув йили - 2014-2016 йй.

Магистратура талабаси:

Иногомов Ш.

Илмий раҳбар:

ф.ф.н. Зуфарова З.Х.

Мутахассислиги:

5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ
(“Яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган ГЛАС капсула технологиясини ишлаб чиқиш”)

Мавзунинг долзарблиги. Тиббиёт амалиётида юкори самарали дориларни керакли микдор ва хажмларда яратиш, тайёр дориларнинг тури, микдори ва аҳолини улар билан етарли даражада таъминлашга боғлиқ равишда фармациянинг олдиға вазифалар қўйилади. Фармацевтик технологиянинг яна бир муҳим вазифаларидан бири - маҳаллий хом-ашёлардан оқилона фойдаланиш, юкори терапевтик самарадорликка эга янги дори воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш ва маълум бўлган дори воситаларини биофармацевтик хоссаларини яхшилаш хисобланади.

Синтетик препаратларнинг қимматлиги ҳамда салбий, ножўя таъсири кўплигини хисобга олган ҳолда, ўсимлик табиатиға эга бўлган дори воситалари яратиш долзарб муаммо хисобланади. Ҳозирги кунда сурункали яллиғланиш билан кечадиган юкумли-сурункали касалликлар сонининг ортиши ҳисобига ва антибактериал ва симптоматик даволаш усулларининг кам самаралилиги учун маҳаллий хом ашё асосида дори воситалари ва уларнинг дори шакллари яратиш муаммолари ўта муҳим хисобланади. Маълумки ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) тиббиёт амалиётида кенг қўламда ишлатиладиган дори воситалари гуруҳига кирувчи дорилар хисобланади. Бу уларнинг яллиғланиш каби турли касалликларда кечадиган симптомларни бартараф этиши билан тушунтирилади. Улардан энг кўп тарқалгани НЯҚВларнинг кислотали тузилиш гуруҳига кирувчи вакили ацетилсалицил кислота (АСК) хисобланади. Ушбу дори воситаларининг клиник амалиётда қўлланишида ножўя таъсир этадиган - ошқозон-ичак тизими шиллик қаватларини зарарлайдиган (ульцероген таъсири) таъсири мавжуд.

НЯҚВ лардан амалиётда қўлланилганда уларнинг хавфли ва фойдали томонларини инобатга олиш ўта муҳим хисобланади. Таркибида яралар ҳосил бўлишиға фаол қаршилиқ кўрсата оладиган моддалар сакловчи, юкори терапевтик самара берувчи молекуляр комплекс препаратлар туркумиға оид янги дори шакллари яратиш ҳисобига ацетилсалицил кислота ҳосилаларининг ульцероген таъсирини камайтириш муаммоси ҳал этилди. Шундай бирикмалардан бири ЎзР ФА акад. О.С.Содиқов номли Биоорганик кимё институтида профессор Д.Н.Долимов ва унинг муаллифдошлари томонидан яратилган ГЛАС деб номланган молекуляр комплексдир. ГЛАС субстанцияси глицирризин кислота ҳосилалари ва АСК супромолекуляр комплекси бўлиб, аспириинга нисбатан солиштирилганда унинг камзаҳарлилиги, ульцероген таъсирининг йўқлиги ва яллиғланишга қарши ва иммуностимуляторлик терапевтик таъсирининг кенглиги билан характерланади.

Демак, қўлланилишиға қулай, биосамарадор ва барқарор сақланадиган ГЛАС дори турларини яратиш фармациянинг долзарб масаласидир.

Капсула дори шаклида дори препаратларининг қўлами кўплиги, капсула ичига жойлаштириладиган дори моддаларнинг физик кимёвий хоссаларининг турличалигини инобатга олган ҳолда ушбу дори шаклини яратишда эътиборга оладиган томонлари кўп. Шунинг учун биз ГЛАС капсуласини яратишни мақсад қилиб белгиладик.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. ГЛАС субстанциясидан қулай ва биосамарадор дори тури, яъни капсула шаклидаги дори турини яратиш, биофармацевтик баҳолаш, ҳамда меъёрий ҳужжат тузиш учун сифат назоратини ўтказиш. Қўйилган мақсадға эришиш учун қуйидаги вазифалар ечимини ҳал этиш лозим бўлди :

- ГЛАС субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш;
- ГЛАС капсулаларининг муайян таркиби ва мўътадил технологиясини турли ёрдамчи моддалар ва технологик усуллардан фойдаланиб ишлаб чиқиш;
- Таклиф этилаётган ГЛАС дори турининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш;
- Таклиф этилаётган ГЛАС дори тури таъсир этувчи моддасини микдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;
- Дори турларини биофармацевтик хоссаларини in vitro ва in vivo тажрибаларида ўрганиш;

- Таклиф этилаётган ГЛАС капсуласининг турғунлигини ўрганиш;
- Олинган натижалар асосида ГЛАС капсулаларини тиббиётда қўллашга рухсат олиш учун тегишли МТХ тузиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти ЎзР ФА О.С.Содиқов номли Биоорганик кимё институтида синтез қилинган ГЛАС субстанцияси. ГЛАС- 3-О-(2'-О-β-D-глюкопирозил)-α-D-глюкуронопиранозид-3β-гидрокси-11-оксо-12-ен-18β-,20-олеан-30-кислотасининг орто-о-ацетил бензолкарбон кислотасининг моноаммонийли тузи.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Ишни бажариш жараёнларида технологик кўрсаткичларни «ERWEKA» асбобларида, ГФ XI ёки бошқа МТХлар бўйича олиб борилади. Микдорий таҳлилда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида (УБ-спектрофотометрия, ЮССХ) фойдаланилди. Капсула таркибидан таъсир этувчи модда ажралиб чиқиш тезлигини аниқловчи асбобда “Айланувчан кажава” усули билан ўрганилди. Дори турлари турғунлиги табиий шароитда ва тезлаштирилган усулларда И 42-2-82 йўриқномаси асосида ўтказилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Биринчи марта комплекс тажрибалар натижасида ГЛАС капсуласи илмий асосланган муайян таркиби, мўътадил технологияси ишлаб чиқилди. Биофармацевтик тадқиқотлар асосида *in vitro* ва *in vivo* усулларида ГЛАС капсула дори шаклининг биологик самарадорлиги аниқланди. Таклиф этилаётган дори турининг сифати бахоланади, сақланиш шароитлари ва муддатлари кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.

ГЛАС субстанцияси асосида яратилган ГЛАС капсула дори шакли ностероид яллиғланишга қарши дори воситаси сифатида республикамиз фармацевтик корхоналарида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот давомида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган усуллар тавсифи боби ҳамда олиб борилган изланишлар, уларнинг натижалари, хулосаларидан иборат. Шунингдек, умумий хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. “ГЛАС” субстанцияси ва капсула массасининг физик-кимёвий ва технологик кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилади. Капсуланинг сифат кўрсаткичлари эса тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида текширилади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Олинган натижалар асосида ГЛАС капсуласини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳисобланади.

Илмий раҳбар _____

Магистратура талабаси _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент фармацевтика институти

Факультет - Саноат фармацияси
Кафедра - Дори воситаларининг саноат технологияси
Ўқув йили - 2014-2016 йй.

Магистратура талабаси: Шамшиддинова М.Х.
Илмий раҳбар: ф.ф.н. дост. Хайдаров В.Р.
Мутахассислиги: 5А 510603 Дориларнинг саноат технологияси

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Охирги йилларда қандли диабет касаллиги иқтисодий ривожланган мамлакатларда тиббий-ижтимоий муаммога айланиб бормоқда. Инсонлар ўлимига сабачи бўлаётган касалликлар қаторида қандли диабет касаллиги юрак қон-томир ва онкологик ҳасталиклардан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда 200 миллиондан ортиқ киши қандли диабет билан оғрийди. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг башоратига кўра 2015-йилга келиб ушбу касалликка чалинганларнинг сони 300 миллион кишига етади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам қандли диабет билан касалланган сони кундан кунга ортиб бормоқда. 1950-йиллар охирида таклиф этилган сулфаниламид ва бензамид препаратлари ва уларнинг аналоглари бугунги кунда ҳам асосий даволовчи восита сифатида қўлланилиб келинмоқда. Аммо афсуски уларнинг ножўя таъсирлари ва метаболизм маҳсулоти бўлмиш фенолиннинг токсик таъсири ушбу дориларни қўллашда турли чекловларни келтириб чиқармоқда. Давлатимиз томонидан аҳолини юқори сифатли, безарар ва етарли даражадаги самарали дори воситалари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги (1996 йил 29-август) ва “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги (1997 йил 25-апрель) қонунларида, мамлакатда дори воситалари муомаласининг қонуний асослари яратилган. Юқоридагиларга асосан республикаимизда қандли диабет билан касалланган беморлар давлатимиз томонидан керакли дори-дармонлар билан таъминланиб келинмоқда. Аммо бу дорилар хориж мамлакатларидан импорт асосида келтирилганлиги учун улар дорихоналарда юқори нархда сотилмоқда. Шунинг учун ҳозирда маҳаллий хом ашё ёрдамида тиббиёт амалиёти учун юқори самарага эга бўлган қандли диабетга қарши дори воситасини яратиш юқори аҳамиятга эгадир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тошкент фармацевтика институти “Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё” кафедраси ходимлари томонидан синтез қилиб олинган қандли диабетга қарши фаол таъсир кўрсатадиган “Пирникам” комплекс бирикмасидан таблетка дори турини ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга тўғри келди:

синтез қилиб олинган субстанциянинг физик, кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш ва субстанция учун ВФМ намунасини тузиш;

субстанциядан таблетка дори турини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш;

таклиф қилинган дори турини биологик самарадорлигини *in vivo* ва *in vitro* усулида ўрганиш;

таклиф қилинган дори турининг сақланиш муддатини белгилаш;

таклиф қилинган дори турини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаб уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар амалиётига татбиқ қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти “Пирникам” субстанцияси бўлиб, ушбу субстанция асосида таблетка дори турини яратиш тадқиқотнинг объекти бўлди.

Тадқиқот услубияти ва усуллари: Ишни бажариш жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (коғоз ва юпқа қаватли хроматография, ЮССХ, атом-абсорбцион, УБ-спектроскопия), кимёвий, технологик ва биофармацевтик усуллар, фармакологик скрининг, клиникагача бўлган изланишлар қўлланилиши режалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Илк бор “Пирникам” субстанцияси асосида таблетка дори тури яратилди ва сифати баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Ўрганилган “Пирникам” субстанцияси асосида яратилган таблетка дори тури гипогликемик досита сифатида республикаимиз фармацевтик корхоналарида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот давомида фойдаланилган объектлар ва қўлланилган усуллар тавсифи боби ҳамда олиб борилган изланишлар, уларнинг натижалари, хулосаларидан иборат. Шунингдек, умумий хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. “Пирникам” субстанциясининг физик, кимёвий ва технологик кўрсаткичлари аниқланди ва ундан таблетка дори шакли ишлаб чиқилди. Таблетканинг сифати баҳоланди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Олинган натижалар асосида субстанция ва таблетка дори тури учун меъёрий хужжат тузиш учун асос бўлади.

Илмий рахбар

Магистратура талабаси

**Аннотация на диссертационную работу студента магистратуры К.Толиповой
на тему «Разработка технологии геля на основе настойки календулы»**

Целью диссертационной работы явилось проведение комплекса исследований, направленных на разработку научно–обоснованного состава и технологии, эффективного и стабильного при длительном хранении геля на основе настойки календулы.

Для достижения поставленной цели необходимо решить следующие задачи:

- подтвердить актуальность разработки технологии геля на основе настойки из растительного сырья, в частности настойки календулы, провести анализ литературных данных по эффективности препаратов растительного происхождения в данной лекарственной форме при лечении соответствующих заболеваний, также рассмотреть вопросы рационального использования вспомогательных веществ в технологии гелей;

- провести исследования по научному обоснованию оптимального состава и рациональной технологии геля на основе настойки календулы с использованием различных комбинаций вспомогательных веществ;

- провести изучение качественных показателей предлагаемого геля по показателям качества, согласно требованиям, предъявляемым НД;

- изучить структурно-механические характеристики разработанного геля на основе настойки календулы;

- модифицировать применяемый в настоящее время метод количественного определения биологически активного вещества для оценки предлагаемого геля;

- провести изучение микробиологической чистоты геля на основе настойки календулы, установить соответствие требованиям НД по данному показателю.

- изучить биофармацевтические показатели разработанного геля в экспериментах *in vitro*, исследовать их специфическую активность и безвредность;

- провести исследования по изучению сроков годности и условий хранения предлагаемого геля на основе настойки календулы.

АННОТАЦИЯ

на магистерскую диссертацию студента магистратуры специальности 5320406-Технология лекарственных средств и препаратов Хасановой Ферузы на тему «Разработка технологии мягких лекарственных форм мегаферона на коллагеновой основе»

Актуальность. Использование в разработке эффективных лекарственных форм вещества местного происхождения является актуальной задачей. Мегаферон – производное госсипола синтезирован Учеными Института биоорганической химии им. акад. А.С.Садыкова АН РУз и всесторонне изучен сотрудниками Межвузовской лаборатории «Физико-химические методы исследования» при Национальном университете Узбекистана.

Цель и задачи исследования: Разработка составов и технологий таких лекарственных форм, как гели, мази и суппозитории мегаферона с использованием коллагена марки «Коллаген-Т»

Объекты исследования: Мегаферон – супромолекулярный комплекс моноаммониевой соли мегосина с глицирризиновой кислотой с $M_n = 4384.8$ Учеными Института биоорганической химии им. акад. А.С.Садыкова АН РУз было предложено создание мягких лекарственных форм с использованием лекарственного препарата мегаферона, синтезированного совместно с сотрудниками Межвузовской лаборатории «Физико-химические методы исследования» при Национальном университете Узбекистана.

«Коллаген-Т» - куриный коллаген, полученный на основе местного сырья сотрудниками кафедры неорганической, физ.коллоидной и аналитической химии и предложенный для использования в разработке мягких лекарственных форм.

Предмет исследования: гели, мази местного, резорбтивного и суппозиторий общего действия. разработка оптимального состава.

Методы исследования: инструментальные методы определения качества лекарственной формы и количества действующего вещества.

Ожидаемые результаты: Выявление возможности применения местного сырья в технологии эффективных мягких лекарственных форм и их масштабного производства.

Студент магистратуры

Хасанова Ф.М.

Научный руководитель

доцент Назирова Я.К.

АННОТАЦИЯ

на магистерскую диссертацию студента Кукимовой Гульжан на тему «Разработка технологии геля на основе настойки чеснока»

Целью исследований явилось разработка состава и технологии геля на основе настойки чеснока.

Для достижения поставленной цели, требуется решение следующих задач:

-изучение литературных данных, научных работ по технологии получения настойки чеснока и свойств данной лекарственной формы;

-ознакомления с различными основами, применяющимися в фармации;

-определения факторов несовместимости основы и настойки;

-подбор оптимального состава геля;

-изучение влияния стабилизаторов на стабильность готовой лекарственной формы;

- определение качественных и количественных показателей геля

Дори воситалари ва препаратлар технологияси” мутахассислигини
1 курс магистратура талабаси М. Мухаммадиевнинг
“Осиё ялпизи ер устки қисмидан экстракт олиш технологияси” мавзусидаги магистрлик
диссертацияси учун
АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги. Синтетик препаратлар яратиш борасидаги ютуқларга қарамай, тиббиёт амалиётида табиий хом ашёлар асосида олинган дори шакллари кўлланилиши ортиб бормоқда. Дори воситаларнинг замонавий руйхатида доривор ўсимликлардан олинган препаратлар қарийб 40 фоизини ташкил қилади.

Осиё ялпизи, ўсимликнинг биологик фаоллиги ва захираси этарлилигини ҳисобга олган ҳолда, ўсимлик ер устки қисмидан экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида истеъмол учун қулай бўлган дори шаклини яратиш долзарб вазифа бўлиб, унинг ечими тиббиёт амалиётида тинчлантирувчи ва юрак, қон-томир хасталигига таъсир этувчи маҳаллий дори воситаларининг турини оширишга имкон беради.

Тадқиқот мақсади. Диссертация ишининг мақсади суюқ ва қуруқ экстракт олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқот вазифалари. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Осиё ялпизи, ўсимлиги ер устки қисмидан суюқ ва қуруқ экстракт олиш технологик жараён босқичларини таҳлил қилиш орқали унинг оптимал параметрларини аниқлаш:

- Суюқ ва қуруқ экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- Суюқ ва қуруқ экстракт сон кўрсаткичларини аниқлаш.

Илмий раҳбар, доц.

Шодмонова Ш.Н.

Яллиғланишга қарши гел технологиясини ишлаб чиқиш (чаянўт барги, иттиканак ер устки қисми, қириқ бўғим ер устки қисми) Нурматова Камоланинг магистрлик диссертацияси
Аннотацияси

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Теридаги яллиғланиш касалигида қўллаш учун гел технологиясини ишлаб чиқишдан иборат. Мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- яллиғланиш касалигини келиб чиқиши, унинг терапиясининг замонавий холати, қўлланиладиган доривор ўсимликларни ўрганиш;

- геллар тўғрисида қисқача маълумот, қўлланиладиган гел хосил қилувчилар таърифи, таснифи бўйича маълумотларга эга бўлиши;

-яллиғланиш касаллигида қўлланиладиган гелнинг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

-гелларни сифатини баҳолаш ва кўрсаткичларини аниқлаш;

“Дори воситалари ва препаратлар технологияси” таълим йўналиши
1 курс магистри Суярова Гуландом Сирлибоевнинг “Бавосил касаллигида қон тўхтатувчи ва
яллиғланишга қарши мураккаб таркибли шамчалар технологияси” мавзусидаги магистрлик
диссертацияси учун
АННОТАЦИЯ

Ишнинг мақсади. Бавосил касаллигида қон тўхтатувчи ва яллиғланишга қарши мураккаб таркибли шамчалар технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш.

Тадқиқотлар вазифаси. Бавосил касаллигини даволаш учун мўлжалланган мураккаб таркибли қуруқ экстракт ва шамчаларнинг технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган маҳсулот сифатини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилади. Олинган маҳсулотларнинг ўткир кечадиган бавосил ва яллиғланишга қарши ўзига ҳос таъсирини ҳамда дори турининг сақланиш жараёнига таъсир этувчи омиллари ўрганилади.

Мақсадга эришиш учун қуйдаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

1. Бавосил касаллигини даволаш учун тузилган фитокомплексдан қуруқ экстракт олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

2. Бавосил касаллигини даволаш учун тузилган фитокомплексдан қуруқ экстракт таркибига таъсир этувчи моддаларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш: хом ашёнинг майдалик даражаси, экстракция шароити ва жараён давомийлиги, экстрагент тури ва миқдори, экстрактни қурутиш шароитини танлаш ва х.к.

3. Олинган натижалар асосида тажрибаларни математик режалаштириш билан мақсадга мувофиқ экстракция жараёни танлаб олиш.

4. Тажрибалар натижасида олинган қуруқ экстракт асосида мураккаб таркибли шамчалар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш.

5. Сачратқи илдизидан инулин сақловчи концентрат комплексини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш.

7. Олинган қуруқ экстракт ва шамчаларнинг миқдорий таҳлини ўрганиш.

8. Олинган қуруқ экстракт ва шамчаларнинг қон тўхтатувчи ва яллиғланишга қарши хоссларини қиёсий ўрганиш.

9. Олинган қуруқ экстракт ва шамчаларнинг сақланиш шароити ва муддатини ўрганиш.

10. Олинган қуруқ экстракт ва шамчаларнинг жиҳозлаш учун турли қадокловчи материаллардан тайёрланган жиҳозларни танлаш.

Кутилаётган натижалар: тадқиқотлар натижасида олинган маҳсулот – бавосил касаллигида ишлатиш учун мўлжалланган фитокомплекс қуруқ экстракти ва мураккаб таркибли шамчаларига Вақтинчалик фармакопея мақоласи тузилади ва тиббиёт амалиётида қўллашга руҳсат олиш учун ЎзР ССВнинг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилади.

**Дори воситалари ва препаратлар технологияси мутахассислиги 1 курс магистратура талабаси И.
Урунованинг «Тоғ қуддусидан қуруқ экстракт ва таблетка технологиясини ишлаб чиқиш»
мавзудаги магистрлик диссертациясининг
аннотацияси**

Тоғ қуддуси ер устки қисми халқ табобатида қон тўхтатувчи дори сифатида аёллар гинекологиясида ишлатилади.

Хом ашё проф. Т.П.Пўлатова томонидан тўлиқ ўрганилиб, ундан тайёрланадиган доривор препаратлар тиббиётда ишлатиш мумкинлиги тасдиқланди.

Ишнинг мақсади: маҳаллий хом ашё бўлган Тоғ қуддуси ер устки қисмидан қуруқ экстракт асосида таблетка дори шаклини технологиясини яратиш.

Мақсадга эришиши учун қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- мавзу бўйича толиқ адабиётлар таҳлилини ўтказиш;
- хом ашёдан қуруқ экстракт олишда оптимал усулни танлаш, кўрсаткичларни аниқлаш;
- қуруқ экстракт асосида таблетка таркибини танлаш, технологиясини яратиш.

Илмий раҳбар доц.

Ш.Н Шодмонова

«ИММУНОЛОГИК ВА МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ» ЙЎНАЛИШИ 1-КУРС
МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАСИ Абдулахадова Гулнора Шерали қизининг
«*Delphinium Semibarbatum* Bienert. ex Boiss. (сарик гуллик исфарак)нинг биофаол моддаларини ажратиб
олиш технологияси» мавзусидаги магистрлик диссертацияси

АННОТАЦИЯСИ

Delphinium semibarbatum (шпорник, исфарак, саршоп, бютее, залил) ўсимлиги асосида олинган доривор воситалар оғрик қолдирувчи, антигельминт восита сифатида халқ табобатида ишлатиб келинган. Ўсимлик алколоидлари – дельсемин, дельсемидин асосида кураресимон препарат яратилган. Бу ўсимлик гул баргларида кверцетин, изораметин флавоноидлари гурухига мансуб бўёқ модда ажратиб олинган бўлиб, у жун, ипак ва пахта толали матоларни бўяшда энг оммавий ва қадимий бўёқ сифатида Эрон, Хиндистон ва Афғонистонда хозиргача қўлланилади. Юқорида келтирилганлар ва ўсимлик бўёгининг фотография ёруғлик филтрларини бўяш учун тўла яроқли эканлиги уни техник ўсимликлар қаторига қўшиш учун асос бўлган. Сўнгги йиллардаги изланишлар Қозоғистонда ўсувчи *Delphinium semibarbatum* ўз таркибида D – маннит саклашини кўрсатди. D – маннитга хос бўлган эркин радикалларни тутиб қолиш ҳамда нейтраллаш хусусияти терининг эрта қариши билан боғлиқ бўлган патологик жараёнларни тўхтатишни таъминлайди. Бошқа томондан ўсимлик флавоноидларининг фармакологик хоссалари ҳақида бирор бир маълумотлар келтирилмаган. Юқорида келтирилганлар ҳамда бу тур исфаракнинг Ўзбекистонда кенг тарқалганлиги ўсимликнинг нейтрал компонентларини ўрганиш магистрлик диссертацияси учун мавзу сифатида тавсия қилинишига асос бўла олади.

А Н Н О Т А Ц И Я

Ҳозирги кунда кўпгина тадқиқотлар сифатли дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг биотехнологиясини яратишга қаратилган. Улар орасида асосий эътибор қанд сақловчи маҳсулотларга, асосан, глюкозага қаратилмоқда. Глюкоза маҳсулот калориясини оширишда, даволаш-профилактик ва бойитилган маҳсулотлар, жумладан, болаларнинг бойитилган сунъий овқатлари, қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида глюкоза ишлаб чиқаришнинг қулай ва самарали янги биотехнологиясини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Глюкозанинг истиқболли ва арзон манбаи крахмал полисахаридини сақловчи спирти олинган барда чиқиндиси бўлиб, глюкоза ишлаб чиқариш мақсадида крахмални глюкозагача парчалаш учун микроорганизмлардан синтезланадиган ферментларни қўллаш муҳим ўрин эгаллайди.

Шунинг учун дунёнинг ривожланган давлатлари сингари Ўзбекистон Республикасининг дори ва озиқ-овқат саноатида ҳам ферментатив катализ асосида глюкозанинг биотехнологиясини яратиш даркор.

Юқорида зикр қилинган фикрлардан келиб чиқиб, крахмал сақловчи чиқиндилардан бири спирти олинган бардадан глюкозали қиём олиш, тайёр маҳсулот асосида дори-дармон ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун микроорганизмлар орасидан фаол глюкоамилаза ферментини синтез қиладиган продуцентларни танлаш, ферментнинг максимал ҳосил бўлиш босқичини ва глюкоамилаза хусусиятларини ўрганиш, глюкозали қиёмнинг юқори самарали ферментатив технологиясини яратиш даркор. Магистрлик диссертация иши *Aspergillus oryzae* замбуригидан ажратиб олинадиган глюкоамилаза ферменти асосида спирти олинган бардадан глюкозанинг улуши юқори бўлган қиём олиш ҳамда ушбу қиёмни болаларнинг бойитилган сунъий кашаси ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда қўллашга бағишланган.

Ишнинг мақсади: Микроб глюкоамилаза ферменти асосида спирти олинган бардадан глюкозали қиём олиш технологиясини яратиш.

Ишнинг вазифалари:

1. Замбуруғ ва бактерия культуралари орасидан глюкоамилазанинг фаол продуцентларини скрининг қилиш ва уларни ўстириш шароитини оптималлаштириш.
2. Глюкоамилаза фаоллигига ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш.
3. Глюкозали қиём олиш учун крахмал сақловчи чиқиндиларни танлаш.
4. Спирти олинган бардадан глюкозали қиём олишнинг ферментатив биотехнологиясини яратиш.

Илмий янгилиги:

- *Aspergillus oryzae* - 7 замбуруғ штамми крахмални конверсия даражаси 80 % бўлган моноқандларгача гидролизлаш реакциясини тезлаштирувчи юқори гидролитик фаоллик билан тавсифланувчи глюкоамилаза ферментининг продуценти танлаб олинади;

- Культурал суюқликда замбуруғларнинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси, глюкоамилаза, оксиллар ва эркин углеводлар ҳосил бўлиши ўрганилади;

- *Aspergillus oryzae* - 7 замбуруғининг культурал суюқлигининг таркиби ўрганилиб, таркибида глюкоамилазадан ташқари амилаза ва протеаза ферментларининг борлиги аниқланади;

- Глюкозали қиём олиш учун крахмал сақловчи чиқиндилар танланади;

- Спирти олинган бардадан глюкозали қиём олишнинг ферментатив биотехнологияси яратилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

- глюкоамилазанинг фаол продуценти – *Aspergillus oryzae* - 7 танлаб олинади ва унинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси, ҳужайра ташқи глюкоамилазасини тўпланиши учун оптимал шароитлар яратилади;

- озуқа муҳити модификацияланади ва фермент фаол равишда ҳосил бўлиши учун замбуруғини ўстиришнинг оптимал шароити аниқланади;

- спирти олинган барда чиқиндисидан глюкозали қиём олишнинг қулай биотехнологияси яратилади.

«IMMUNOBIOLOGIK VA MIKROBIOLOGIK PREPARATLAR TEXNOLOGIYASI»
YO'NALISHI 1-KURS MAGISTRATURA TALABASI **QAYUMXODJAYEVA FOTIMANING**
“INKAPSULLANGAN ANTIOKSIDANTLAR ASOSIDA DORI
VOSITASINI YARATISHTEXNOLOGIYASI”
MAVZUSIDAGI MAGISTRLIK DISSERTATSIYASIGA
ANNOTATSIYA

Bugungi kunda farmatsevtika sohasida olib borilayotgan tadqiqotlarning ko'pchiligi mahalliy xomashyolar yordamida aholi uchun sifatli dori vositalarini yaratishga qaratilgan. Hozirgi kunda respublikamizda biotexnologiyaning asosiy yo'nalishlaridan biri farmatsevtik biotexnologiya jadal suratlar bilan rivojlanmoqda. Sifatli, arzon dori vositalarini biotexnologik usullar bilan olish bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biriga aylanmoqda. Shusababli, ushbu magistrlik dissertatsiya ishimizda biotexnologik usulda dori vositasini texnologiyasini ishlab chiqishni o'zoldimizga maqsad qilib qo'ydik. Ishimizda obekt sifatida respublikamizda mavjud Tirnoqgul (*Calendulaeoffisinalis* L.) o'simligidan va boshqa manbalardan olinadigan antioksidantlar asosida turli yaralarni davolashda qo'llanilishi mumkin bo'lgan surtma dori vositasini yaratish ustida ish olib borishni rejalashtirdik. Bizga ma'lumki, Tirnoqgul – *alendulaeoffisinalis* o'simligi tarkibidagi karotinoid moddalar yaralarni tezda bitkazish hususiyatiga egadir.

Ilmiy yangiligi: Ma'lumki, antioksidantlar organizmda oksidlanish jarayonini ingibirleydigan moddalardir. Ushbu moddalar asosida hozirgi kunda ko'pgina dori vositalari yaratilgan, biroq antioksidantlar asosida yaratilgan dori vositalari uzoq muddat saqlanganda o'z faolligini tezda yo'qotadi.

Ishning maqsadi: Antioksidantlar fosfolipidlar asosida olingan vizikulalarga yani liposomalarga kiritsak, vizikulagainkapsullangan antioksidantlar o'z xususiyatlarini va faolliklarini uzoq muddat saqlab qolish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Shu sababli, bu ishda avvalo barqaror liposomalarni texnologiyasini ishlab chiqarishga qaratdik. Antioksidant moddalar organizmdagi bo'sh radikallarni o'rnini to'ldirishga ya'ni ularni yo'q qilishga yordam beradi.

Magistrant: Qayumxodjaeva F.

Ilmiyrahbar: Toshmuxeamedova Sh.

АННОТАЦИЯ

На тему: “Создание биологически активной добавки из сливы домашней венгерки (*Prunus domestica* L.) Студента 1-курса Зайнутдинова Г.Ф. магистратуры по специальности “Технология иммунобиологических и микробиологических препаратов.

Краткая аннотация работы: Нарушение нормальной деятельности кишечника, в частности задержка стула, сопровождается изменением метаболизма веществ в желудке и кишечнике человека.

Запоры являются серьезной медицинской и социальной проблемой. Задержкой стула в той или иной степени страдают от 30 до 50 % трудоспособного населения и от 5 до 20 % детей. Причина возникновения нарушений разнообразна - от неполноценного питания, низкой физической активности, эмоциональных и физических стрессов до различных заболеваний (геморрой, трещин заднего прохода, моторные нарушения кишечника, аномалии развития толстой кишки, травмы спинного мозга и др.). Длительные запоры приводят к интоксикации организма.

Для лечения запоров на сегодняшний день существует множество слабительных средства. Есть очень сильно- и быстродействующие, есть мягкие, оказывающие слабительный эффект постепенно, но наиболее щадящими и безвредными для желудка являются растительные слабительные продукты, которые не вызывают привыкания организма.

В качестве слабительных растительных средств используются препараты из корня ревеня, коры крушины, плодов жостера, листьев сены, касторовое масло и др.

Однако, при их применении оказывается односторонний, или стимулирующий эффект на рецепторы толстой кишки, усиливающие перистальтику и способствующие опорожнению кишечника, или только способствуют размягчению фекальной массы.

Плоды и извлечения из сливы домашней *Prunus domestica* L. на протяжении многих веков используются в народной медицине. Они обладают легким слабительным действием благодаря присутствующим в них полисахаридам, которые способствуют как размягчению переработанной пищи в кишечнике, так и ее перемещению, предотвращая формирование свищей.

В связи с вышеизложенным, целью данного исследования является выделение полисахаридов из сливы домашней *Prunus domestica* L., изучение слабительных свойств экстракта и создание на их основе биологически активной добавки.

АННОТАЦИЯ

на магистерскую диссертацию магистра 1 курса по специальности «Технология иммунобиологических и микробиологических препаратов» Ташкентского Фармацевтического института Д.И. Бегимовой на тему «Разработка технологии, стандартизация антидепрессантного препарата на основе *Hypericum perforatum/scabrum*».

Актуальность темы. На сегодняшний день фармацевтическая промышленность в Узбекистане развивается большими темпами. Доказательством этого факта является то, что в Республике открываются новые фармацевтические производственные предприятия. Также, необходимо отметить, что наряду с новыми предприятиями, увеличивается рост наименований производимых лекарственных препаратов существующих крупных производителей, таких как: ИП «Nobel Pharmsanoat», ЧНПП «Radix», СП ООО «Jurabek Laboratories Ltd.» и др. Большинство производимой продукции предприятий основывается на импортных сырьевых базах, поскольку в Узбекистане, практически, отсутствуют предприятия по производству лекарственных субстанций. Также, существует проблема в мониторинге качества ввозимой лекарственной субстанции, так как в основном, процессом ввоза лекарственных субстанций на территорию Республики Узбекистан осуществляется международными фирмами – посредниками, которых сложно контролировать по качеству продукта. Таким образом, налаживание производственной линии субстанций-генериков на территории Республики Узбекистан позволит решить существующие на сегодняшний день проблемы.

Одним из самых широко используемых лекарственных растений, как в народной, так и в научной медицине при различных заболеваниях является зверобой продырявленный (*Hypericum perforatum*). В последние годы возрос интерес к антрахиноновым пигментам зверобоя — гиперидинам, т.к. у гиперидинсодержащих препаратов установлен ряд биологических эффектов. В тоже время, несмотря на широкий изученный спектр фармакологической активности зверобоя, число промышленно выпускаемых официальных препаратов из него весьма ограничено, также практически отсутствуют пределы содержания необходимого количества гиперидинов, т.е. отсутствует стандартизация ввозимых БАДов.

Необходимо отметить, что на территории Узбекистана произрастают *Hypericum perforatum* и *Hypericum scabrum*, которые обладают наличием гиперидинов.

Для развития отечественной фармации и расширения ассортимента препаратов на основе местной стандартизованной субстанции нами предпринято выполнение научной работы по разработке отечественного антидепрессантного лекарственного препарата и последующим внедрением в фармацевтическую промышленность.

Цель работы: разработка технологии антидепрессантного средства.

Объект исследования: зверобой продырявленный / шероховатый

Предмет исследования: капсулированная и таблеточная формы препарата на основе обогащенного сухого экстракта зверобоя продырявленного / шероховатого.

Методы исследования: Перколяция, экстракция твердая фаза – жидкая фаза, жидкая фаза – жидкая фаза. Методы стандартизации: ВЭЖХ, распадаемость, прочность на излом, средний вес и отклонение от средней массы, растворение, количественное определение.

Ожидаемые результаты: будет разработана оптимальная технология для таблеток и капсул, оценено их качество. На основании полученных результатов будут опубликованы научные статьи, а также они послужат материалом для составления НТД.

Работа будет выполняться совместно с Институтом химии растительных веществ имени акад. С.Ю. Юнусова АН РУз в рамках инновационного проекта 6-КХ-0-18571 «Разработка технологии и внедрение в производство лекарственных субстанций: сухой экстракт *Tribulus terrestris*, сухой экстракт *Passiflora incarnata* и *Метформин* – для фармацевтической промышленности» совместно с ИП «Nobel Pharmsanoat». Руководителем проекта является зав.лаб. химии гликозидов ИХРВ АН РУз, к.х.н. Т.Ф. Ибрагимов. Данные лекарственные формы разрабатываются в Узбекистане впервые.

Магистрант

Д.И. Бегимова

Соруководитель, к.х.н.

Т.Ф. Ибрагимов

Руководитель, д.ф.н.

М.Г. Исмаилова